

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 2 СЎМ

УШБУ

СОНДА

ЎЗИНИ ЎЗИ СУЯБ ҚАТТА БЎЛГАН ОДАМ

4-5-БЕТЛАР

ОЛМОН ТИЛИДА ГУРУНГЛАШДИК

7-БЕТ

ХОТИННИ НИМА БИЛАН УРИШ КЕРАК?

8-БЕТ

КЕЙИНГИ

СОНЛАРДА:

СУРАЙЁ ЗОҲИР:

ИЛОНГА БОШҚОРОНҒУ
БЎЛГАН ҚЕЛИНШОИР ЭРҚИН ВОҲИДОВНИНГ
АЁЛИ БИЛАН СУҲБАТ

«Оила ва жамият» ҳафталигида чоп этилган энг сара асарлар учун ойлик мукофот (1000 сўм) бериб борилаётганидан хабарингиз бор. Бироз нафас ростлашдан сўнг июль ойида бир йўла икки ижодкор мукофотга сазавор бўлди. Табриклаймиз!

ҒОЛИБЛАР БИЛАН
ТАНИШИНГ:

Ҳалим САЙИД. «Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири. Мусобақада иккинчи бор ғолиб бўлиши. Совринни «Детдом» боласининг шажараси мақоласи учун олди.

Ушбу мукофот ҳомийси Тошкентдаги «СЭВИЖ» тижорат жамияти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ. «Мовароуннаҳр» нашриётида меҳнат қилади. Мамлакатимиздаги барча марказий газет-жўрналларда фатоасарлар билан мунтазам қатнашиб туради. Машҳур сураткаш «Болалик» туркумидаги асарлари учун мукофотга сазавор бўлди.

Ушбу мукофот ҳомийси Муборак туманидаги Хитой давлат хўжалиги.

ОБУНА БОШЛАНДИ!

Бугунги замонни ахборотсиз, газет-жўрналларсиз тасаввур қилиш қийин. Матбуот сизга дунёни танитади. Агар дунёдан ажралиб қолмайин десангиз, «Оила ва жамият» ҳафталигига обуна бўлинг. Ҳозир шундай бир замонки, бўсага ҳатлаб ташқарига чиқиш амри маҳол. Қатта шаҳарларга бориб қайтишни-ку қўйиб турайлик, қўшни туманга ўтиб келаман десангиз йўлқиранинг ўзига нақд 200 рублингизни сарфлашингизга тўғри келади. «Оила ва жамият»нинг йиллик обуна баҳоси эса (1993 йил учун) бор-йўғи 156 руб. (1 сўм 56 тийин десак ҳам бўлади). Шошилинг! Газетимизга ушбу нархда фақат ноябр ойигача обуна бўлишингиз мумкин. Кейин обуна нархи яна кескин кўтарилади.

Яна бир нарсани айтиб қўяйлик: Алоқачилар газетни сизга етказиб бериш хизматига ҳар бир сон учун ўртача 1 сўм 30 тийиндан ҳақ олишни режалаштирган. Биз алоқачиларимиздан ҳозирча нолимасак ҳам бўлар экан. Чунки Москвада ана шундай хизмат ҳақи 3 рубл («Оила ва жамият»нинг обуна баҳосига тенг!) бўлибди.

Обуна индексид — 64654.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Суратчи: А. МАМАДАМИНОВ

ЕТТИ КУН

ЖАМҒАРМАДАГИЛАР ХУРСАНД

Шу кунларда Республика Бопалар жамғармаси Наманган вилояти бўлимидагилар хурсанд: вилоятда «Бопалар уйи» иккитадан биттага камайди!

ЧОРА

Меҳнат таътилига чиққан собиқ бош муҳарриримизнинг УЗАГА кўтарилиб кетганини хабар қилган эдик. Масъул котибимиз Тўлқин Ҳайит ҳам таътилдан қайтмади. У Ўзбекистон Телевидениеси бош директори ўринбосари лавозимига кўтарилиб кетди. Таҳририят шу муносабат билан таътил беришни тўхтатди.

ТЕРМИЗДА

Термиз темир йўл кассасида антиқа «тажриба» ўтказилди: «Душанбе-Тошкент» йўналиши бўйича қатнайдиغان 180-поезд ўн етти вагондан иборат эди. Кассада эса... 18-вагон учун ҳам чипталар сотилди. Ноилож қолган йўловчилар шусиз ҳам тикилинч кетаётган 17-вагонга чиқишга мажбур бўлишди, деб хабар беради мухбиримиз М. АБУЛҒАЙЗ.

ВА ТОШКЕНТДА

Пойтахт Жанубий вокзалида эса хайрли ишга қўл уришди: бу ерда диндорлар учун шинам намозхона очилди.

ҒИЁС БОЙТОВ ҚАНДАЙ ҚИЗЛАРНИ ЕҚИРАДИ?

«Ўзимга фариштадай ёр излаб ёшим 30 дан ошиб кетди. Охири топдим. У ўз қишлоғимда экан. Мен «дипломли» эмас, эндигина мактабни тугатган солиҳа қизни жуфти ҳалолликка танладим. Қолаверса, хотин киши 10 сўмгача санашни билса кифоя, жудаям «ақллиси» эркакнинг шўри». Таниқли хонанда Ғиёс Бойтовнинг фикри шундай, деб ёзади «Ҳамроҳ» рўзномаси.

«ГҶШТЛИ» СУВ

Арнасой туманидаги 23^А-давлат хўжалиги хонадонларида қувур суви тўхтади. Чунки жўмрақлардан... «гўштли» сув оқа бошлади. Сув ҳавзаси кўп йиллардан буён тозаланмаганлиги туфайли қуртлаб кетган экан, деб хабар беради мухлисимиз М. ЕҚУБОВ.

АЛАМ ҚИЛАДИ

Китоб шахридаги... «муҳаббат бозори» ёпилди. Исловатхона мудираси К. М. хонимга қийин бўлди. У уч йилга қамалса, қорхонасининг мижозлари бўлган ишратпараст жаноблар энди бошқа бекалар — хонимнинг душманлари хизматидан фойдаланса... Алам қилади-да!

АМАЗОНКАЛАР

Жиззах шаҳри яқинидаги кўл соҳилида қип-яланғоч икки «қиз» куппа-кундузи ўнлаб (оқ соқолли чолу она сути оғзидан кетмаган бола) эркакларни «шартнома» асосида «қабул қилди». Жисмоний актда журналислар ҳам иштирок этди. Томонлар: «Ошинг ҳаром бўлса ҳам кўчада ич...» дейишмоқда.

ОҚИБАТ ШУМИ!

Қўлиқда 16—56 номерли бешинчи трамвай ҳайдовчиси пичоқланди. Томошага яраган бандаларнинг биронтаси ёрдамга ярамади. Шўрлик ҳайдовчи каллакесардан билмай чипта сўраб қўйган экан.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Кўпгина аёллар эрларининг шарифи (фамилияси)га ўтишни мажбурий деб ҳисоблашмашди. Гўёки, эрнинг шарифига ўтмаслик, норозилик аломати эмиш. Бу тўғрида қонунда нима дейилган?

Мақсуда БОБОЖОНОВА
Сўрхондарё вилояти.

Биз ҳуқуқшунос Ф. ОТАХҶОНОВдан шу саволга жавоб беришини илтимос қилдик.

— Амалдаги Ўзбекистон Республикаси никоҳ ва оила кодексининг 22-моддасига биноан никоҳ тузиш вақтида эр-хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини

умумий фамилия қилиб танлаши ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

Кейинчалик фамилиясини ўзгаришга фақат умумий асосларда, қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйиладди. Агар никоҳни рўйхат қилиш вақтида никоҳга ўтувчилар ўзларининг никоҳга қадар бўлган фамилияларида қолган бўлсалар, кейинчалик эса улар эри ёки хотинининг фамилиясига ўтишини хоҳласалар, қонунда белгиланган тартибда — фақат фамилия ўзгариш тартибда ҳал қилинади.

Бир кун

МЕН СИЗНИ
БОБУР ДЕБМАН

Бу воқеа бундан икки-уч йил олдин бўлган эди.

Бир кун Дадам билан бирга ошхонада ўтириб овқатланиб бўлганимиздан сўнг бирданига чекким келиб қолди. Ваннада қўлимни ювиб, шошмасдан хонамга кириб бордим. Ҳаёлим паришонлиниб турган бўлса керак, каравотдаги ётган одамга (овқатлангани кириб кетаётганимда бу каравотда укам Бобур ётган эди) парво ҳам қилмасдан сумкамдаги китоблар тагидан яп-янги сигарет олдим.

Уни оча бошлаганимда мундоқ қарасам, каравотда Дадам менга хотиржам тикилиб турибди. Довдираб қолдим, сигаретни шошиб столдаги қоғозлар орасига иргитдим. Сўнг дадамдан кечирим сўрагандек бўлиб, мен Сизни Бобур дебман дедим.

Шунда дадам:

— Сигаретни олдимда тап тортмасдан очаётганингни куриб, мен ҳам сени Шайбонийхонми деб ўйлабман, — дедилар ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордилар.

Уша пайтда агар кулиш ўрнига мени боплаб сўкканларида, бунчалик хижолат бўлмас эдим.

Анча кейинроқ оила аъзоларимиз жам бўлиб ўтирган вақтимизда Дадам уша воқеани укам Ботирга мана шундай сўзлар билан ҳикоя қилиб бердилар:

— Нариги хонадаги каравотда ётсам, ичкарига Баҳром аканг кириб келди. У эшикдан ўтгандан кейин «Ту-134» сигарети сумкадан уйқусираб чиқиб, анқайганича аканга яқин борди, «Ҳей, мени нимага чекмаяпсан»,

деб у ёғига, буёғига суйканди. Баҳром аканг сигаретни ёмон кўргани учун (эси кўп бола-да) парво қилмасдан турарверди. Шунда сигарет мени куриб қолиб: «Ие, кечирасиз, мен сизни Бобур деб ўйлабман», деб, шартта столдаги қоғозларнинг орасига қочиб кириб кетди. Ҳали ҳам уша жойда уялиб ётган бўлса керак. Э, шўри қурсин.

Мана, ўшандан бери икки-уч бодринг пишиғи ўтди, бу орада ишга кирдим, уйландим. Лекин баъзан хумори тутиб, қўлимга сигарет олиб қолсам, укамлар (айниқса Ботирбой) дарров: «Ух, Шайбонийхон яна бурқсияптилар-ку!» деб кулиб қўйишади...

Б. БАҲРОМ
Фарғона вилояти



САЙИЛ

Суратчи: У. ШАРИПОВ

Утган кунларингни бот-бот эслаб турсанг, покланиб турар экансан. Бугун ҳеч нарсадан нолимайман. Қорин тўқ, уст бут. Яна бошқа нима керак, менга.

Ака, одам боласи тўқликка қаноат қила олмас экан. Айниқса ўлим кўрганлар. Дўстларини, қадрдонларини, лаҳзалар олдин томирида қон кўпчиган дўстларининг совуқ жасадига эга бўлган одамлар.

Ана шундай хотиралар совиган мияга урилганда миянинг чарс этиб олов олишини тасаввур ҳам қила олмайси. Енабери, енабери, токи хотиралар гулхани сўнмагунча.

Мана сиз билан суҳбат қуриб ўтирибмиз. Бутунлай бошқа мавзуларда. Ташқаридаги машиналар тўқнашувидан чиққан овоз у юртларга олиб кетди. Сиз пиёлага қўйган чой ҳам совиб қолди. Энди томоқдан сув ўтар-миди! Утмайди, ўтмайди, ака!

Биринчи жангга кирганим, пешонамни ерга босиб йиғлаганларим кўз олдимга келмоқда.

Қандай ёмон, бадбахт кун эди.

Ушанда қўналгадан икки чақирим нарида отишма бошланди. Хуштак ча-



ТОМОҚДАН СУВ

ЎТАРМИДИ, АКА!

либ, ерни тўзғитган ўқлар қай томондан учиб келаётганини билмай ҳайрон эдим. Юрагим ҳар бир ўқ овозидан гупиллаб урар, оёқларим титрар, танимга безгак кирган мисол қалтирар эдим. Қўрқув ва ночорлигимдан йиғлаб юбордим. Пешонамни ерга михлаб, тўлғониб, ётабердим. Жамбуллик Володя ёнимга судралиб келиб, ўқ дўли остида елкамни силаб, қулоғимга:

— Болам, мен бола-чақали одамман. Қолган куним бўлса болаларимнинг бахти. Йўқ, кун битган бўлса ҳам ушчалик қийналмайман. Сен эса ёш, яшашинг керак, — дея хандоққа олиб кириб, сув ичириб, пешонасидан реза-реза тер қуйилиб, мовий кўзлари аламдан, азобдан ёниб:

— Энди ўзингни босиб ол. Аммо ҳеч кимни ёнингга йўлатма, — дедида, хандоқдан сакраб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

Бир лаҳзада сархушланиб, ҳушимга келдим. Даҳшатли туш қуриб йўғонгандай эдим. Автоматни қўлимда маҳкам сиқиб хандоқдан чиқдим. Ҳаммаси унутилганди. Тўхтовсиз ўқ отардим. Бир ярим соатлардан кейин отишма тўхтади. Пешонамдан тер қуйиларди. Юрак бўм-бўш. Худди қони суриб ташлангандай аллозда совуқ эди.

Олдимга автоматини судраб кекса аскар Володя келиб, елкамга қўлини қўйди-да, — балли болам, бошида шундай бўлади. Мен ҳам бир пайтлар сенинг ҳолатингни бошимдан кечирганман, — деди хирллаб.

Кейин ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетди.

Ҳозирда Афғон ҳақида фильмлар кўрсам, юртимни ташлаб у томрларга кетгим келади. Дўстларимни, у ер тупроғини, одамларини соғиниб кетаман. Ҳатто уч аскар орасида икки йил хизмат қилган темир қошиғимни ҳам соғинаман.

Ҳақ гапни айтганда, у халқнинг гўзал одоби, маданиятини ҳеч бир ерда учратмадим. Уйга келгандан кейин ҳам олти ойгача ўзимга кела олмай юрдим.

Балки бу гапимни одамлар мактав-чокликка йўар, аслида аччиқ ҳақиқатдир. Уруш кўрган одамлар ўзга одамлар. Ҳукуматимиз жиноятчиликка, порахўрликка қарши курашишда бизлардан фойдаланса ёмон бўлмасди. Чунки ҳар биримиз бир мартадан ўлиб-тирилганмиз. Бу ишларга қарши борадиган одамлар эса ўлимга тик турмоғи керак. Энди ҳаммаси ёдга келаберади-да.

Бухоролик Рустам исмли ўртоғим бор эди. Эрта-индин уйга кетишга чоғланиб юрарди. Навбатдаги топшириққа чиқиш ҳақида буйруқ келди. Шунда бехос Рустам ўртага чиқиб:

— Уртоқ командир, мен бораман деб қолса бўладими. Ҳаммамиз ҳайратландик. Чунки у ерда уйга кетишга қисқа вақт қолган аскарлар эъзоланар, хавфли чақириқларга чиқарилмас эди.

— Рустам бормади! Рустам бор-

мади, — деган хитобларга қарамай у ён чўнтагидан ҳарбий билетини олиб старшинага узатди. Старшина ҳам унинг ҳарбий билетини олаётганда суҳбат эди. Пешонаси тиришиб, қўллари қалтирарди. Шунда у:

— Бу менинг энг сўнгги топшириқча чиқишим. Ҳали қолганлар жанг қилиши керак, — деди бизга бир-бир безовта нигоҳ ташлаб. Унинг кўзига кўзим тушганда, юрагим музлагандай, оёқларимдан мадор кетгандай бўлди.

У топшириққа жилмайиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмай ортига қайтди. Машина устида ётар, пешонасидан теккан ўқ зарбидан мияси мажақланган, темир устида қон халқобланиб ётарди.

Хайрлашдик.

Юзидан ўндим.

Ҳа, ака кўп хотиралар юракда, уларни айтгим келмайди. Юрагимга кўмила қолсин. Ортага қайтдим. Биринчи бўлиб отамнинг ишонасига келдим. Отам ўрнида сочлари оппоқ киши ўтирарди. Кейин-кейин ана шу оппоқ сочли одам отам эканлигини ҳис қилдим. Телефонда гаплашарди. Менга бир ўғирлиб қаради. Аммо аҳамият бермай сўзлаша берди. Кейин қайта, илкис ўғирлиб. Мени таниди. Эшик томон йўл олдим. Хонасига кириб борганимда отамга ҳамширалар нина санчмоқда экан.

Отам ҳушига келди. Уридан турди. Сўзлашди. Қўлтигимдан олиб, уйга бошлади. Уйга сой ўзани бўйлаб юрдик.

Ҳовлида онамни кўрдим. Нигоҳлари менга қадалиб, жойида тек қотди. Олдига бордим. Мени кучоқлаб наларнидир гапирди.

Мен эса ҳеч нарса тушунмасдим. Фақат онамнинг тириклигини ҳис қилиб турардим. Қулоқларим остида эса госпиталга тушганимда олган онамнинг мактубидаги:

«Болажоним омонмисан. Тушимда, ҳовлида эмишсан. «Эшикни очинг» дея ялинасан. Очолмайман», деган сатрлари қатидаги овози.

Одил ўридан турди. Унинг ғамгин нигоҳида ўтган кунлар хотираси, менинг хаёлимда эса марҳум укаларим руҳи ўраб олгандай эди.

Одия Шорустамов, Ўзбекистон байналминал ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси раиси ўринбосари. Унинг ишлари яхши. Аммо юракдаги ўтган кунлари оғриғи уни мен томон еталайди.

Омон бўл ука! Омон-омон кунлар мўл бўлсин!

Рашид НОРМУРОД.

Абу Али ибн СИНО

ЗАФАРНОМА

Бузургмехр шундай нақл қилади:

— Мен устозимдан сўрардим ва у жавоб қайтарарди.

Дедим:

«Айб саналадиган бирор фазилат борми?»

Деди:

«Миннатли саховат».

Дедим:

«Қайси хислат илмни юксалтиради?»

Деди:

«Тўғрилик!»

Дедим:

«Марҳумдан далолат берувчи нарса нима?»

Деди:

«Имкон борича афв этиши».

Дедим:

«Оқилнинг қайси иши яхши?»

Деди:

«Ёмонни ёмон йўлдан қайтариши».

Дедим:

«Одамларга кўп зарар келтирадиган нарса нима?»

Деди:

«Халқ кўзидан яширин айблари».

Дедим:

«Умрининг қайси соатчи зое кетган деб ҳисобламоқ керак?»

Деди:

«Бировга яхшилик қилиш мумкин бўлган, аммо қилинмаган соатчи».

Дедим:

«Хуқмлардан қайсиларини вожиб билмоқ керак?»

Деди:

«Бўлар учта: биринчиси — Оллоҳ таоло ҳукми, иккинчиси — оқиллар ҳукми, учинчиси — ота-она ҳукми».

Дедим:

«Ўлимдан баттарроқ нарса нима?»

Деди:

«Фақирлик».

Дедим:

«Дўстликка раҳна соладиган иллатлар қайси?»

Деди:

«Улуғлардаги бахиллик, доғишмандлардаги кибру ҳаво, аёллардаги бешармлик ва эркаклардаги ёлгон сўзлаш».

Дедим:

«Одамларнинг ишини барбод қилувчи нарса нима?»

Деди:

«Золимларни улуғлаш».

Дедим:

«Қайси йўл билан бойлик топиш мумкин?»

Деди:

«Оз е, оз ухла, оз сўзла».

Дедим:

«Қайси бир одам ақлли?»

Деди:

«Оз сўзлаб, кўп тингловчи ва кўп билувчи».

Дедим:

«Хорликка нима сабабчи?»

Деди:

«Ялқовлик ва ахлоқсизлик».

Дедим:

«Ғамга нима сабаб?»

Деди:

«Елғизлик».

Дедим:

«Номусу ҳамиятни нима барбод қилади?»

Деди:

«Таъма».

Дедим:

«Жаҳонда қайси фазилат эзгуруқ?»

Форс тилидан
Носир МУҲАММАД
таржимаси
(Давоми бор)



МОЗИЙГА САЁҲАТ

Суратчи: Р. АЛБЕКОВ

(ДАВОМИ.
БОШИ УТГАН СОНДА).

— Бугунги рисоладагидек эркак қандай бўлиши керак? Рўзгорнинг баракаси нимада ёки қимда?

— Рисоладаги эркак — оиласини боқа олиши керак. Оиласини боқиши учун имконият яратилиши керак унга. Оиласини боқолмайдиган эркак — бу бечора эркак, бу — гапи ўтмайдиган эркак, бу — хотиннинг олдида доим мулзам эркак. Эркаклиги кетган эркак, Фарзанд тарбияси, оила шаян — шавкати, меҳр-оқибати, рўзгорнинг бутунлиги — рисоладаги аёлнинг иши. У уйда ўтирмайди. Рўзгорнинг баракаси-аёлнинг ақлида. Аёли ақлли хонадонга барака ёйлаверади.

— Мабодо фарзандларингиздан бири мактабдан «2» баҳо олиб келса нима қиласиз?

— Бир ўғлим мактабни беш, тўрт, (уч ҳам!) олиб ботирди. Қалласи ишлайдиган бола. Мен, баҳо учун ўқима, деган гапни қалласига сингирганман. Қизим, ҳаждан келсам, медалини кўрсатишди-қумуш медал билан мактабни тугатибди. Оғринмайман-болаларим баҳоси беш бўлмаса ҳам. Ўзим мактабда жуда яхши ўқиганман-кўп билимлар менга умрим давомида керак бўлмади.

— Бола ширинми, ҳаёт?

— Бола аслида бизнинг ҳаётимизни рад этувчидир. Табиат шундай яратган, биз боламизга умрбод яхшилик қиламиз, лекин ундан қайтмайди, ҳеч қачон! Ундан боласига қайтади. Ҳаётнинг донолиги шундаки, биз ўзимизнинг меҳр-оқибатимизни тушуниб-тушулмаган ҳолда, ҳаётимиз давомида тушуниб-тушулмаган авлодга ташлаймиз. Шунинг учун бола ширин бўлади. Масала бундай қўйилмайдиган бўлса дахшат... Лекин, барибир, одамлар бола ширинлиги учун кўп иш қилишади. Инсоният қаттиққўлроқ бўлиши керакини, боласи ўз иқтидоридан ортиқ мукофотни ота-она томонидан олмаслиги керак. Бизлар, Уролбой сиз ҳам шундайсиз, ҳаётга отиб юборилган одамлардан бўламиз: орқамиздаям ёрдам берадиган одам бўлмаган, талабалардаги 30 сўмини ҳисобламаганда, ёнбосимиз ҳам, олдимиз ҳам-тўрт томонимиз саҳродагидай, ўзимизни ўзимиз суяб қатта бўлганми. Ҳолбуки, бундай шароитда жуда катта талантили болаларнинг кўпи синиб кетди. Агар ўшаларнинг ёнида (энди ҳамма кучли бўлиб туғилмайдиган бу ҳаётда!) суянадиган ота-оналари бўлганда, кўпроқ нарсга эришармиди? Ҳозиргидай ароқ ичиб юрмасмиди? Халқимизга кўпроқ фойдаси теккан бўлармиди?

— Фарзандларингиз келажagini қандай тасаввур қиласиз?

— Болаларим келажagini ўзлари тасаввур қилгани яхши... Болаларим адабиётни яхши кўради, лекин мен адабиётчи бўлишни хохламайман. Адабиётчининг ҳаёти, Уролбой, қийин ҳаёт. Бу жуда қаттиқ қорайиш — эркакнинг иши. Ташқаридан ялтираб кўрингани билан, ҳаёти қийин кечади — иқтисодий томондан, ўз ҳаётининг мураккаблигидан ҳам. Энди адабиётимизнинг кун кечирishi қийинлашиб бора бошлайди тобора...

— Шеър иши қийин дегансиз. Сизда ана шу қийинчиликка ошнолик қандай бошланган?

— Бойсун-қўнғиротлик бола эмасманми, Бойсун-қўнғиротлик Алломишни айтганларда берилиб тинглардим, айниқса Барчиннинг севар ёри Алломишнинг оти-Бойчиборга қарата (пойча маҳали): «Қўр ха, қўр хей, турамнинг оти. Оқ тушим-яйловни, соним шипирти!» деганларини ҳатто тушимадям тақрорлардим-ов! Еки 10-синфда ўқиганнимизда Рауф Парфининг:

Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Томчилар, томчилар сочимга.
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,
Ҳам қайғумга ҳам қувончимга —
сатрларини айтиб юрганларимиз ёки «Айлаиб ёғар қор йўлимга, Қўларинги беғил ёр қўлимга» сатрларини қўйлаб, қорға қўлларимизни туттиб айлаиб ўйнаганимиздаги шодлик, су-

рур ҳануз эсимда. Умуман, Абдулла Ориф, Рауф Парфи шеърларини ўқиб, руҳим кўтарилганини, ўзимдаги алланечук улғайишни сезар эдим.

Усмон Усмон асл сатрлар мағзини чақа-чақа, маънисини шима-шима шу қадар улғайдики, Бойсунга сиймай қолди:

Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон.
Яшаб бўлмайди-ку ахир энгашиб.
Жўнадим баландроқ осмонлар

томон,
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди.

Болалиги уз-чун йилга ўхшаш ўсмон Усмоннинг кўнгли ярим эди, аммо ярим кўнглида тўтатадиган куч йўқ эди. У:

Бу олам-ку менинг дилим ярим этди
Ярми билан қуйласам ҳам олам тўлар,
— дея йўлга тушди.

Эсингизда бўлса Рязанлик ҳассос шоир — Сергей Есенин пойтахтни иш-гол қилишини:

Нозик салонларни ларзага солиб,
Шеърим билан кирди Рязан бия-си,
— деб эслаган эди.

Пойтахтни забт қилажак, бўлажак машҳур шоирга эса Бойсуннинг дашти, Алломишнинг шашти эргашган эди.

— Ҳаётингиздан қониқасизми? Қандай яшашни ҳоҳлайсиз?

— Ҳаётимдан доим қониққанман. Ўзим тўғри деб билмаган ишни қилмаганман. Одамда умр битта бўлади. Қораламаси бўлмайди — доим оққа кўчирилган бўлади. Хатоларимни тузатишга ҳар вақт куч тополганман. Кейин... тавба-тазаррунинг доим иложи бор-ку!

— Энг катта бахтсизлик, сизнингча, нима?

— Барибир ўлим бўлса керак... Ана туйқанда гул турибди. Мана ручка, стол, мана сиз турибсиз. Ана дараза... Нарёқда дарахтлар. Буларнинг олди-дан кундалик ҳаётда ҳар кун бема-лол ўтиб кетаверасан. Бирдан қарайсанки, қоронғулик... ҳеч нарсга йўқ ва... сен бошқа бир оламга тушиб қолдинг. Сен учун йўқ улар. Шунда ҚАДРИ билинади. Мен ўлаётган одамнинг сўнгги нафаси қанақа уз-у-у-н бўлишини тасаввур қила оламан. Кўз олди-дан бутун умри сўнгги нафасида бир липиллаб ўтишини тасаввур қиламан. Бу ҳозирги нафас олаётган пайти энг катта бахти ва ундан кейинги чегара... ДАХШАТ... Уни тасаввур қилиб бўлмайди... Бахтсизлик нарёғи...

— Нимадан ором топасиз? Энг севган машғулотингиз?


— Бир ўзим китоб ўқиб ётсам-шу ором менга. Энг бахтли дақиқаларим китоб ўқиш билан боғлиқ бўлгани. Чунки китоб, балки одамни алдар... Севиб бажарадиган ишим мутлоа, шеър ёзиш, сюжет топиш, сўзларнинг маъносини топиш...

— «Чин дўст қани, чин ёр қани?» қўшиғига жўр бўла olasизми?

— Йўқ, жўр бўлолмайман. Дўстларим кам, лекин бор. Емоним-яхшим бор.

— Ҳаёт — саҳна; унда ҳамма ўз ролни ўйнайди, деган гапга қанадай қарайсиз?

— Ҳаёт — саҳна, маълум бир шароитга тушгандан кейин одам барибир рол ўйнайди. Шароит ўзи мажбур қилади-одамларни қанақа рол ўйнашига. Бу ролни ўйнашда одам тийрак бўлиши керак. Баъзан ҳаётнинг ҳам ўйнаётганини ҳис қилиш керак. Битта ролга кириб чиқолмай қоладиган одамлар бор-да. Узлигини йўқотиб, унутиб, дунёдан бировнинг ролини ўйнаб кетадиганлар бор. Мени ўшалар қўйтади. Улар ўзининг ролини ўйнаётган одамлардан ҳавфлироқ бўлади. Бир дўстимиз бўларди — ночор шоир. Шеърга сарф бўлганга қувватини ҳозир демократияга сарфлаётди. Афсуски, вақтида одамларнинг гапини бировга етказиб, ўзи Сибирга қочиб кетган одам эди. Қўрқанидан, сотиб қўйганидан уялиб. Энди ҳозир ўша ролда қолиб кетди у. Ҳамма шу ҳаёт мажбур қилган, қандайдир рол ўйнашга (ўзлигини сақлаб қолиш, топишга дейишимиз) ҳаракат қилади. Кимдир бизнесмен бўлади. Кеча йўқ эди-ку бизнесмен. Ҳаёт ўзи қўйди-ку, тўғрими? Фақат қизғи — ҳамма ўзини характерига мос ролни топиб олади.



ЎЗИНИ ЎЗИ СУЯБ КАТТА БЎЛГАН ОДАМ

— Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ мақолига-чи!

— Энди-и... Замон бизга боқмаган маҳаллар биз ана у ёқда шеър ёзиб юрганмиз қий-нали-иб. Шеъримизни ўчирган. Китобинишни тўхтатишган, танкид қилишган. Энди шундай бир пайтлар бўлади-ю, одамнинг темпераментига, ишига, талабига қайсидир замон мос туша бошлайди. Масалан, ҳозир Ўзбекистон мустақиллик томон кетапти, нега мен четда туришим керак? Тўғрими? Дейлик, Ватан деган бир иморатни қураётган одамларга қараб, мана бу гиштини нотўғри қўйди, буниси пишмаган эди, лойига цементни камроқ қўшди деб мен бемалол танкид қилиб туришим мумкин эдимки ёки ўзим яхшии уша гиштини пиштишга ёрдам беришим керакми? Айтмоқчиманки, замон боқмаган вақтлар ҳам, замон билан инсон мослама тушадиган пайтлар ҳам бўлади. Мана Алихонтўра Соғунининг китобини ўқиб турибманки: «Ҳар оқил одам замонасини яхши тушуниши керак, шунга қараб иш қилиши керак», — деган экан пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: Демак, бу иш пайғамбаримиз қарашига ҳам мос тушар экан.

— Лекин Соғунининг ўзи замона билан келиша олмаганидан уй қамогига сақланган-ку!

— Ҳа-аа, келишиш бошқа, замонга қараш бошқа. Уша пайтда Замоннинг талаби балки, менга қарши курашиш деган галдир? Замонга боқиш балки шунинг ўзидир? Бу ерда қарама-қаршилик йўқ. Мана, Абдуллаева даврида қанақадир бир 37-йиллар лип-лип этиб ўтди. Гарчи дунёдан уни ҳозир жуда зўр одам бўлди, деб мактаб юрмиса ҳам... Мен бунга қўшилмайман.

— Мухбиримиз билан суҳбатда опа қилган ишларига оқлов назари билан ёндошгандек туюлди, менга...

— Нимасини оқлайди? Жанозада ўтиролмаганимизми? Битта шеър ёзолмаганимизми? Урисларнинг десанти мана бу ерга тушганини?

Урисча гапдан бошқа гапга ўрин қўқилишини! Нимасини оқлайди?

— Сизни ўшанда 40 ёзувчи шоирга бош бўлиб Москвага арз қилган дейишди!

— Ҳа, ҳа, мени Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашга олиб келишган. Лекин опа ишдан кетаётган пайтда, ўша ишларнинг ҳаммасини нотўғри бўлганини қандайдир тушушганга ўхшади. Бу бошқа масала, Тавба-тазарру кечмас. Бу қилиш ишларни тўғри бўлган деб ўзини оқлаш ўрнига тавба-тазарру қилиб энди халққа ёрдам бериш керак. Ёлгон у ҳамма нарсани оқлайман дейишлар! Шароф Бошбековнинг асарлари чиқарилмади. Нашриётларда китоблар тўхтатиб қўйилди. Ҳозир чиқариляпти-осмон уйилиб тушгани йўқ-ку! Ҳозир у гаплар ўтгандан кейин ҳамма нарсани тилиб, осон кўриниб қолади. У пайтлар қандай қийин бўлганини билмай-сиз. Ҳозир демократ бўлиб юрган баъзи опаларимиз адабларимиз асарларини тўхтатиш учун жуда катта ёрдам берган. Ёзувчилар уюшмасининг партия қотиби сифатида. Энди шуним оқлаятти. Менга қолса ҳаммани оқлаш керак, лекин олдин бир ростни айтиб! Умуман хатолардан сабоқ, ҳар олоқ керак! Биласизми, нима кўрқинчли? Тавба қилмаслик кўрқинчли, ўзининг гуноҳини англамаслик кўрқинчли...

— Сиз энг ёқтирадиган нарсани нима?

— Энг ёқтирадиган нарсам... Шеър ёзганимда энг зўр сатрлар топиб олсам, ўша пайт ўзимга ўзим жуда ёқиб кетаман. Яна энг ёқадигани — Бойсунга кириб боравериш. Шунда жуда ёқимли туйғу пайдо бўлади. Бундай нарсга жуда кам. Кейин, бозор қўнғи-яхши кўраман. Ун йилча бўлди бозор айлангани яхши кўраман... Мевалар ҳар-ҳил бўлиб туради. Кейин эккан экинларини уншини, парваршигани яхши кўраман. Қўчатларим қўқарётганини кўриб, зўр нарсга ёзётгандек бўламан — асли, деҳқоннинг қони бор эканда менда.

— Дунёда болалиги тенг-тўшлари би-

ШОИР, ДАВЛАТ
МАСЛАХАТЧИСИ,
ҲОЖИ УСМОН АЗИМ
БИЛАН СУҲБАТ

мидан чиқиб гапиришади. Мен уяламан бунақа шоирлардан.

— Усмон ака, саволим оғир ботса кечирасиз. Мана ҳатто Навоий ҳам оддийгина «Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо, ки қаҳр соҳур давр ҳангомида» деб ёзиб ҳатто шоҳнинг дўсти бўлатуриб балога қолган эди. Бу... саройга яқинлик аждаҳоннинг қомиди юрганга менгзалганда, қадим-да...

— Битта тасалли бор. Ўзбекистон мустақиллик йўлига кетяпти. Хавф-хатарларни писанд қилмаслик мумкин, деб ўйлайман, агар ўша Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун бирор бир фойда келтира олсан. Албатта, энди мансаб бор жойда ҳамма вақт хатар бўлади, а? Сизни ёлғовчи одамлар бўлади, сизни фақатгина шу мансаб-бингиз учун ёмон кўрадиган одамлар бўлади. Мансаб-бингиз борлиги учунгина хиёнатчи дейдиган одамлар бўлади. Кейин, албатта, дейлик, қайсидир бир гап эртага устун келиши мумкин. Лекин сиз ўзингиз бу ишларни Ўзбекистон мустақиллиги, Ватан учун қиламан деб ўйласангиз, мабодо осмондан ерга гупиллаб тушадиган бўлсангиз ҳам назаримда оғирмайсиз. Бирор жойингиз синмайдиган, ҳеч бўлмаса қалангизни, юрагингизни, руҳингизни бутун олиб чиқиб кетасиз. Энг муҳими шу. Кейин шоирнинг устунлиги бор. Шоирлигини ололмайди-ку ҳеч ким. Шунинг учун бутун чиқиб кетаман деб ўйлайман — мабодо осмон ўйилиб

зициянинг мақсади ҳам ўша мустақил Ўзбекистонни қуриш бўлмоғи, қураётган одамларга фикри, дастури билан ёрдам бермоғи лозим. Ватан деган иморатни ҳаммамиз бирга қураёмизми ёки биримиз тағига сув қуямизми? Сиёсий ҳаёт шунан: Кимнинг фикри, программаси зўр? Ўлса, халқ дилига йўл топса, халқни эргаштириб кетаверади. Ҳаёт — шунан. Масалан, адабиётда тўртта зўр шоир бўлса, яна ўрта зўр шоир қўйилса, адабиёт фақат фойда кўради, мустаҳкамланади, холос.

— Лекин барибир партияларга бўлиनावериш, нима десам экан, бўлиналгани бўри ер деган гап бор-да...

— Россияда 25 та партия бор. Ҳиндистонда 7 та партия бор, 10-15 партия бор жойлар жуда кўп. Франция, Италияни олинг, неча партияси бор? Туркияда 40мильон аҳоли бор 6 партияси бор.

— Партиянингизнинг бошқа партиялардан фарқи томон нимада бўлади?

— Фарқли томони, биз сиёсий томонга қараганда, иқтисодий томонга кўпроқ эътибор бермоқчимиз. 24 мартдан бошлаб ҳукуматга учта тадбир-таклиф қилиб чиқдик. Биттаси Ўзбекистонни 2000-йилгача ривожлантириш режаси. Иккинчиси, Конституция лойиҳасини тақдим қилдик. Бундан ташқари биз, Ўзбекистон ўз волеятсига эга бўлишдаги қонун лойиҳасини тақлиф қилдик. Ҳулласи қалом, ягона мақсад — Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлида ҳамма одамларни бир жойга йиғиш. Биз иқтисод ҳамма нарсани ҳал қилади, деган гапни тан олган тарзда ҳаракат қилмоқчимиз. Яқинда бир газетга чиқди: «Болшевиклар айтиб келди. — Иқтисод биринчи, сиёсат иккинчи. Биз шундай қиламизки, сиёсат биринчи, иқтисод иккинчи бўлади». Минг афсуски, болшевиклар агар бу гапларига амал қилганда биз ҳозир америкаликлардай яшардик. Болшевиклар доим иқтисодни сиёсатга бўйсундирган. Натижада иқтисодимиз нотабиий йўлдан борди ва иқтирозга-йўл тутди. Саводсизлигимиз шунчаликки, ўша сўзлар, ўша одамнинг сурати билан берилди. Оппозициянинг даражаси шу бўлса, биз ҳали ҳеч жойга етмабмиз.

— Шоирлардан кимлар аъзо бўлди?

— Шоирларда-ан... Партия тузаётганда истадикки, бу партиянинг аъзолари янги одамлардан иборат бўлиши керак. Янги одам ҳамма вақт янги фикр, гоё олиб келади. Ҳар доим фикр, гоёнинг генератори, асосий қувватлантирувчиси, юргизувчиси бўлади. Кейин ҳар бир даврнинг ибтидо, интихоси бўлади. Назаримда гоё генератори сифатида ёзувчилар давраси ўзини бир қадар сарфлаб бўлади. Ҳозир қурилиш даврида, Ўзбекистон мустақиллиги даврида, иқтисод биринчи ўрнига чиқаётган пайтда янги гоёлари назаримда ишбилармонлар орасидан, техник зиёлилар, иқтисод-

чилар орасидан излаш керак. Чунки энди Бино ҳақида, Мустақиллик ҳақида орзу қилаётганимиз йўқ, балки ўша бинонинг қўрмоқчимиз, энди материаллар керак.

— «Яшаш қандай яхши, яшаш қандай зўр» дея olasизми?

— Бу ҳақда кўп ўйламаганман. Қандай яшайлган, кўпай ўйлавермаганман. Завқлими, завқисими? Бирор қутилмаган дўстим келиб қолади, яшаш, ҳаёт, бирдан зўр бўлиб кетади. Лекин бу аҳенда, шеър ўқилаётганда содир бўладигандай бир яхши нарсга.

— Йўқ, мен, яшашни тириклик, дунёда тирик юриш, табиат манзаралари, дейлик, дарахтлардан завқланиш маъносидан...

— У, ў (Усмон ака жуда ҳаяжонланиб кетди) у бошқа нарсга. Мана шу дарахтга қараб туриб бирдан тўсатдан ўйланганимиз: Эй, Худо, бу қандай муккамаллик? Шохидан, кўкligидан тортиб, барггача қандай ўйлаб топгансан — бу — мўъжиза-ку!! Мўъжиза! Мен самолётнинг учишига қараб ҳанузгача ҳайрон қоламан: қандай қилиб ахир! Мўъжиза, ҳамма ёқ мўъжиза! Ҳар қадамда мўъжиза! Умуман, одам мўъжизага ишонмай қолган кун, бу дунёдан умидини уза бошлаган кун бўлади.

Эй, Оллоҳ! Бу мўъжизаларни яратган ҳам, тартиб берган ҳам Ўзини! Мўъжизалардан ҳайратланиш туйғусини дилларга жойлаган ҳам Ўзини! Ҳар бир нарсда ва жойда Ўзингиз!!!

Оллоҳнинг жамолини кўрмоқчи бўлсангиз, қўйишга қўйишга, қўйишга қўйишга ерга боқсангиз, оддий қоқсул ҳам мўъжиза.

У, оламдан тўқилди гуноҳ
Оралаган боғларга санми!
Гуллабсанми шунча, оллоҳ,
Оллоҳ шундай кўкарасанми!

«Усмоннинг шеърлари Усмоннинг буюклигидан дарак беради» — деб ёзгандим етти йил бурун диплом ишимда. «Маҳобат, ошириб юборилган ўринлар муҳлиснинг илҳомидан, ҳаяжонланишидан» — деганди диплом раҳбаримиз Хулар опа Олимжоновна. Ким билсин яна ҳаяжон қўршаган-дир.

На иложки, шоирнинг мўъжиза шеърларини ҳаяжонланмай ўқиб бўлмасан!

Шоир десанк, шоир руҳи осмондадир
Кўлмакка жо бўлганим шул замонададир!

— Сатрлари бўлмаса, Биз-да бўйлаб ўйласанк, тигда қўйлаётган шоир бузи қолиб, меҳрибонли, жон ачирси онасига, онаизорне тасалли бераётган бўлса:

Ҳамма мендан миннатдор,
Ҳамма очди қучоқ
Аммо қайдан қадаглан,
Елкамга бунча пичоқ!

Пичоқ қамаяса бўлди —
Қайтариб бермакман мен...
Она, хавотир олмаган.

Елкам — осмон каби кең.

Елкадор шоирга омонлик тилаймиз!
Урол ЎЗБЕК.



ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

— Тикув машинасининг игнаси ва пайпоқ тўқийдиган игналар яхшироқ сирганиши учун мойланг, талк билан артинг.

— Шифон, крепдешин, крепжоржет каби юпка газламани оқ қоғоз вараги устига қўйиб тиксангиз, ишингиз осонлашади, чок яхшироқ чиқади.

— Шим тахи узокроқ турсин десангиз газламанинг тескари томонидан тах изига қуруқ совун суринг, кейин ўнгини ағдариб, дазмол қилинг.

— Уйни ремонт қиладиган бўлсангиз, ишни бошлашдан олдин полга эритилган совун суринг (1 л. сувда 20-30 грамм совун эритилади). Шундай қилинса, полга томган буюёк ювганда тез кетади. Уни дераза ойнасига (ромларни бўяш олдида), кафелга, чўян плитага ҳам суриш мумкин.

ПИЁЗ СУВИ

— Ту누ка буюмлар, пичоқ, санчки ва қошиқлардаги занг доғини кетказиш, лакланган туфлини ҳам ялтиратади.

— Рангдор пойафзалдаги доғларни яримта пиёз билан артиб қўйиб, бир неча соатдан кейин ювилса, доғ кетади.

— Музлаткича пиёз тўғраб қўйилса, қўланса хид тез йўқолади.

ЛИМОН СУВИ

— пичоқнинг тигини тоза қилади.

— занг доғини кетказиш.

— дастурхондаги чой доғини кетказиш.

— Қорамтир чарм сумкани тозалайди.

— сиёҳ доғини кетказиш.

ОЁҚНИ СИҚСА...

Қайноқ сувда ҳўллаб кейин яхшилаб сиқилган сочиққа уни бир неча минут ўраб қўйинг, сўнгра ўсимлик мойидан салгина суртиб, бир кун шу ҳолатда қолдиринг. Шунда пойафзалингиз оёқни сиқмайдиган бўлади.

ҲИДЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

— Қайнаб турган қарам шўрвага бир парча оқ нон солинса, қарам ҳиди йўқолади.

— Идиш сиркали қайноқ сув билан ювилса, пиёз ҳиди кетади.

— Уйга хушбўй хид таралсин десангиз, электр лампани ёқишдан олдин унга бир неча томчи атир томизинг. Чироқ ёнгач, уйга хид тарқалади.

— Етишдан олдин уйга нам латта осиб қўйилса тамаки ҳиди йўқолади.

ИСМАЛОҚ

— Иссиқ (мижозли) кўкрак ва

МАСЛАҲАТЛАР

СИРКА УЙ-РЎЗҒОРИДА

— Бир ош қошиқ сирка қўшилган совуқ сувга сабзавотлар бир соат солиб қўйилса, сифати бузилмайди.

— Қўл ва идишдаги балиқ хидини кетказиш учун 2 литр сувга бир ош қошиқ сирка қўшиб, шу сувда ювилади.

— Картошканинг пўстини артганда қораймаслиги учун қўлни олдин сиркада ҳўллаб, артмай қуритиш лозим.

Ноуфал УСМОН тайёрлаган

ўпкаларга суртиш ҳамда ейиш фойдалидир. Қондан бўлган орқа оғриқларига фойда қилади — ич-ни юмшатади.

— Бунда ювувчи, тозаловчи қувват бор. Сафрони кучли ҳайдайди. Меъда унинг қайнатмасини тусамганда ўзини тозалаб ейилади.

РАЙҲОН

— Куйган жойга боғланади. Бош оғригига жуда фойдали.

— Қовурилган уруғини гул ёғи ва совуқ сув билан аралаштириб сурункали ич кетишида ичирилади.

Зуфар АЛИМОВ тайёрлаган

Дераза

ОНАЛАР УЮШМАСИ... ИСЛОВАТХОНА ҲИМОЯЧИСИ

Буюк Британиядаги Оналар уюшмаси... исловатхоналарга ошқора йўл бериш учун очиқ баҳс ўтказмоқчи. Шундоқ қилишса, бу «нозик» касб эгалари турли тери-таносил касалликларига чалинишдан ҳимоя этилар эмиш.

Дарвоқе, катта шов-шув туғдирган яна бир сабаб шуки, Оналар уюшмаси — йирик халқаро наслонийлар ташкилоти бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири оила ва никоҳ ҳусусидаги наслонийлик таълимоти ҳимоя қилишдир.

КАУНАСДА УЙСИЗЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

Яқин орада Литвада кўплаб уйсизлар пайдо бўлади шекилли. Чунки бу ерда «Фуқароларнинг сакланиб қолган ҳаракатсиз мулкка меросхўрлик ҳуқуқини тиклаш шартлари ва тартиби ҳақида» қонун кучга кирди. Каунас шаҳридагина уй-жойларни олдинги эгаларига қайтариш учун икки минг оилани кўчиршига тўғри келар экан. «Йжарачилар» ҳозирча бир нарсга билан ўзларига таскин беришлари мумкин: меросхўр уларни ўн йилгача кўчага ҳайдашга ҳақли эмас.

200 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ВАЪДА

Тоболск шаҳар кенгаши кўп болали оилаларнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида уларга ҳар йили 5 тадан уй ажратишга қарор қилди. Охири наватда турганлар омон бўлса, 2192 йилда уй-жойли бўлар экан.

МИЛЛИОНЕРЛАР ШАҲРИ

Ялтада миллионерлар клуби рўйхатга олинди. Унинг ўзига хос томони шундаки, унга жанубий Кримнинг фуқароси бўлган ва шу ерда уйи дала ҳовлиси ҳамда автомашинаси бор ҳар қандай киши аъзо бўла олади. Аъзолик бадали — 100 сўм ва 1 АҚШ доллари. Клубга аъзо бўлиш ҳозиргидай давом этса, Ялта яқин кунлар ичида «миллионерлар» шахрига айланса керак.

Дарвоқе, миллионерликка даъвогар жаноблар арзон озиқ-овқат маҳсулотларига соатлаб наватда туришиб, бензинни тежаш, машинани аяш мақсадида жамоат транспортдан фойдаланишмоқда.

22 ЕШДА

Андижонда 4 хонали уйда укам билан яшайман. Бўйим 170 см. Еши 18-19 ларда бўлган, ақл-хуши жойида, озода, истараси иссиқ, меҳнатдан қочмайдиган қиз бўлса, шу йил тўй қилиб уйланиш орзусидаман. «Оила-86» сурат ва мактубларингизни кутади.

21 ЕШДА

Мен ўзимга муносиб ёр излаб юрган карманалик йигитман. Касбим магазинчи, новвойлик ҳам қўлимдан келади. Еши 21 дан ошмаган вафол қизга уйланиб, ҳаётимни унга, бўлғуси фарзандларимга бағишлаб ўтиш ниятидаман. «Оила-87» хатларингизга муштоқ.

АЛМАШТИРАМАН

1-қаватда жойлашган 2 хонали уйимни 4 хонали уйга алмаштираман. Томорқам тартибли, деҳқончилик қилиб бемалол рўзгорга етказиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Ибн Сино мавзеси 5-уй 5-подъезд 1-қават 47 хона. М. Қўчқоров. [Хоҳлаган вақтда уйда одам бўлади].

Эълонлар

50 ЕШДА

Сурхондарёликман. Маълумотим — олий (меъморман). Бўйим 165 см, Ҳусусий дўконим бор. 3 хонали шахсий уйга эгаман. Узимдай якка-ёлғиз, турмушга аралашадиган киши бўлмаган 18 дан 40 ёшгача бўлган қиз ёки аёлга уйланоқчиман, агар соғлом, мустақил бўлса. «Оила-83» хатларингизни кутади.

50 ЕШДА

4 болам бор. Оилам билан 5 йил бўлди ажрашганман. Қизларимни узатганман, ўғилларим 20 ва 18 ёшда. 4 йилдан буён уйда турмайман. Бошқа республикада ишлайман. Агар уйли-жойли, меҳроқибатли аёл бўлса, ишдан бўшаб келаман. Касбим — ошпазлик. Насиб қилиб уйлансам, умр йўлдошимга ширин-ширин овқатлар пишириб бериш ниятим бор. «Оила-84» мактубларингизга мунтазир.

31 ЕШДА

Қўқонликман. Касбим котиба-машинкачи. Ешим 31 да, бўйим 150 см. Эримдан ажрашганимга 10 йил бўлди. 13 ёшли қизим бор. Еши 34 — 36 лар орасидаги топармон, уйли-жойли, бир аёлни бахтли қила оладиган ва давлат ишида ишлайдиган йигит бўлса (бошқа шаҳардан бўлса яна ҳам яхши), у билан оила қуриб, орзу-ҳавас кўрсам дейман. Оила-85»га ёзинг.



А-аах!..

Суратчи: Ҳ. САИДОВ

ПАЛОВНИ ХУШ КЎРГАН ЖАНОБ

Карл Хайнц Куна, 1937 йилда Олмонияда туғилган. Мутахассислиги бўйича адвокат, ҳуқуқшунослик фанлари доктори. 1964 йилдан буён Олмония Федератив Республикаси Ташки ишлар вазирлигида хизмат қилиб келади. Олмония давлатининг Англия, Ҳиндистон, Нигерия, Грециядаги элчихоналарида ишлаган. 1992 йил май ойидан бошлаб Олмониянинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси. Оилали, икки ўғил, бир қизи бор.



Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАХРИР
ҲАЙБАТИ:
Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЕҚУБОВ
Муҳаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
Бош муҳаррир
ўринбосари
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ
БЕРДИЕВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОВ
Абсалом
УСАНОВ
Баҳодир
ЭШОНХОНОВ
Урол
ЎЗБЕК

Тахририят
кепган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташқилотлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
мълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб курсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —

Тошкентдаги
«СЭВИЖ»
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,
Намангандаги
«Тўқимачи»
маданият
саройи.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоянлар
хёбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 64654
Буюртма 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шахри

— Жаноб элчи, сиз Олмония Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи фавқулдда ва мухтор элчисисиз. Бу — тарихий воқеа. Юртимиз маъқул бўлди-ми!

— Муस्ताқилликка эришганларингиз чиндан ҳам тарихий воқеа. Биз ҳаммамиз, бутун олмон халқи бу хабарни эшитиб жуда қувондик. Ватанингиз жуда қадимий ва тарихий анъаналарга эга. Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Хива... Бир ўйлаб кўрайлик, ахир қадимий маданият ўчоқлари-ку, булар! Бу юрда не бир қудратли давлатлар ўтган. Сизлар мустақиллигини қайта қўлга киритдингизлар. Шу боис, менинг ватаним — Олмония Федератив Республикаси мустақил Ўзбекистонни биринчилар қаторида тан олди. Мен элчи сифатида диёрингизга қадам қўйган учинчи кишиман.

Мамлакатингиз ҳақидаги илк таассуротларим... менимча республикангиз оёққа туриб олиш, ҳўжалик ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, келажаги учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда биз сизларга қўлдан келганча ёрдам беришга тайёرمىз, чўнки барқарор иқтисодиётга эга бўлиш ёш давлатларнинг гуллаб-яшнаши учун энг муҳим омилдир.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун нималар қилишимиз керак деб ўйлаисиз!

— Бу ички ишингиз. Агар четдаги кишининг назари билан айтадиган бўлсам, менимча, чинакам демократик тизимларни ривожлантириш керак, яъни ҳўкумат чинакамига ишбилармон, олисни кўзловчи ва халқпарвар бўлиши лозим. Ҳозирги ҳўкуматингиз, назаримда, худди шундай ҳўкуматдир. Айни пайтда худди шундай хислатларга эга бўлган оппозиция ҳам бўлиши керак. Демократик оппозициянинг шаклланиши эса вақт талаб қиладиган жараён.

— Ўзбекистон — Олмония алоқалари юқори даражада бўлиши учун қандай ишлар қилинмоқда!

— Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислам Каримов ва Ташки ишлар вазири билан бўлган суҳбатларимиз самимий вазиятда ўтганлигини алоҳида таъкид-

лаб ўтмоқчиман. Аминманки, тез орада мустақил Ўзбекистон Республикаси билан Олмония Федератив Республикаси ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик ришталари боғланади. Август ойида Олмония саноатсозлик вазири жаноб Шпрангер Ўзбекистонга келади. Ўзбекистон Ҳўкумати Вакиллари ҳам тез орада бизнинг имкониятларимиз билан танишиш, иқтисодий алоқалар ўрнатиш мақсадида Олмонияга борсалар керак.

— Иккала давлат раҳбарларининг юқори даражадаги учрашувлари режалаштирил-яптими!

— Албатта. Олмония бундесканцлери жаноб Хелмут Кол билан Ўзбекистон Президенти жаноб Ислам Каримовнинг учрашувлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Тез орада биз бу учрашувларнинг шоҳиди бўла-миз деган умиддаман.

— Ўзбекистон иқлими унча қийнаб қўймаяптими!

— Ўзбекистонда ёз ойлари иқлим қуруқ ва иссиқ бўларкан, аммо бу нам исикдан кўра анча ёқимли. Айтганимдек, мен Нигерия ва Ҳиндистон сингари бу ердан ҳам иссиқроқ мамлакатларда ишлаганман. Ўзимни бу ерда ёмон ҳис қилаётганим йўқ.

— Тошкентга оилангизни ҳам олиб келганмисиз!

— Ҳозирча улар Олмонияда, аммо август ойининг охирида аёлим Тошкентга келади.

— Фарзандларингиз!..

— Уч фарзандимиз бор, — икки ўғил бир қиз. Катта ўғлим 26 ёшда. У Ҳайделберг шаҳрида ҳўқуқшунослик факултетида ўқияпти. Ота касбини олмоқчи. Қизим 25 ёшда, Будапештда Олмон филологияси факултетида ўқийди. Кенжатоимиз 17 ёшда, насиб бўлса, келаси йил мактабни тугатади. Фарзандларимиз ҳали Тошкентга келишмайди, бироқ Янги йил байрамини барчамиз бирга нишонласак керак, деган умиддаман.

— Ўзбек таомларидан қайси бирларини ёқтириб қолдингиз!

— Ўзбек таомлари ичида энг яхшиси палов бўлса керак. Бошқаларни билмадим-у аммо менга палов жуда ёқди. Палов жаноб элчиға чиндан ҳам маъқул бўлиб қолибди. Бу таом хўсусида анча гурунглашдик.

— Бўш вақтларингизни қандай ўтказаяпсиз!

— Ҳозирча бундай имконият йўқ. Умуман, элчиларнинг бўш вақти бўлишига ишонгим келмайди. Элчихонамиз эқинда ташкил этилган, ҳали оёққа туриб олгани йўқ. Жуда кўп ишлар қилиниши, ҳар хил алоқалар ўрнатилиши керак.

— Сир бўлмаса айтингчи, йиллик даромадингиз неча маркани ташкил этади!

— Мен оладиган маошни Ўзбекистон шароитида таққослаб кўриш унчалар тўғри бўлмаса керак. Овруподаги ҳаёт бу ердан тубдан фарқ қилади. Даромадимизнинг катта қисми ижара пули ва ҳар хил солиқларни тўлаш учун сарфланади. Бундан ташқари, Олмонияда қолган фарзандларимизни ҳам маблаг билан тўқис таъминлаб туришимиз керак, чўнки улар ҳали ўқимокда... Умуман етарли.

— Ўзбек халқига, «Оила ва жамият» газетхонларига истакларингиз!

— Барчаларингизга олдиларингизда турган қийинчиликларни енгиб ўтишда кўпдан-кўп жасорат тилайман. Мустақиллик эълон қилиш билан бирданига халқнинг ҳаёти яхшиланиб қолмайди. Кўп йиллар давом этган эски тузум асоратларини йўқотиш, кўпдан-кўп доволарни босиб ўтиш лозим бўлади. Халқингиз меҳнаткаш, меҳнат қилган эса хор бўлмайди. Ишонаманки, тез орада халқингиз турмуш даражаси Оврупода ҳаёт кечираётган халқларнинг турмуш даражаси қадар кўтарилсади.

— Самимий тилақларингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош
Йўлдош ПАРДА

*Ich grüße die Leser der Zeitung „Familie und Gesellschaft“
und hoffe auf eine gute und fruchtbare deutsch-uzbekische
Zusammenarbeit.*

Karl Heinz Kuna

Берлин, 27.07.92

Тошкент, 27.07.92

«Оила ва жамият» муштарийларига салом йўллаيمان ва ўзбек — олмон ҳамкорлиги яхши бўлишига ишонаман.
Доктор Карл Хайнц Куна. ТОШКЕНТ. 27.07.92 й.

ҲАЖВЧИГА ТЎРТ САВОЛ:

— Кўкдала мукофотиға така олганингизни эшитиб, менимча, сизни табрикламаган инсон қолмади, қолаверса, мухлисларингиздан ҳам тахририятимизга кўллаб табрик хатлари келди. Буни эшитиб ўзингизни унвон олгандек ҳис қилаёйсизми!

— Унвонга асло қизиқмаганман. Аммо мукофотнинг каттасини ҳам, кичигини ҳам икки кўллаб олавераман. Чунки бу моддий жиҳатдан мадад бўлади, айниқса биздек камбағалларга.

Унвон эса халқнинг оғзиди. Бир ўқувчининг, мухлиснинг бир оғиз дил сўзи — ҳам унвон, ҳам мукофот. Камини фақир, ҳамини оза қаноат қилиб яшайман. Зеро, барака озда дейди халқимиз.

— Унвоннинг қассобдан хавфсирайдиган жойи йўқлиги бизга маълум, аммо така... Ҳозирча саломатмилар у жонивор!

— Дарҳақиқат мендаги мукофот, яъни такаббў қассобдан чўчимайди. Чунки, семизликини қўй кўтарар деганларидек, семиршишдан ўзини тийиб, соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибди. Қадди-қомати жойида. Афсуски у ур-

ғочи эмас, йўқса рақс тушишни машқ қилдираддим.

— Бир латифада айтиладики, чўққисоқол киши бир деҳқоннинг еридаги уватда эчкисини боқиб юрганда эгаси келиб қолибди ва эчкисига қараб: «Ҳов, соқол, эчкингни бу ерда боқма» деб соқолли кишини кўрсатибди. Ўзларида ҳам соқол бор...

— Ҳозирча ҳеч ким мени эчким билан адаштиргани йўқ. Чунки, соқолимизда фарқ бор. Уники узун, меники қисқа.

— Келгуси йилда Кўкдала мукофотга эчки оладиган адибга айтадиган насаҳатингиз!

— Келгуси йилда бирорта адиб мукофотга эчки олмасин. Мендан яхшироқ ижод қилиб, каттароқ мукофот олсин. Масалан: туя, айғир, буқа ёки ҳеч бўлмаганда қора кўчқор олсин. Омин!

Б. БЕК



Кеч куз пайти чумоли оғир юкни кўтарганича терлаб-пишиб кетаётса, тепасидан учиб ўтаётган башанг кийинган Ниначини кўриб қолибди.

— Йўл бўлсин! — дебди Чумоли.


— Петербургга кетяпман, — дебди Ниначи. — Кишини ўша ёқда ўтказмоқчиман.

— Ундан кейинги йил ҳам шу аҳвол такрорланибди:

— Йўл бўлсин!

— Петербургга. Уша ёқда қишлаб келаман.

Чумоли Ниначиға дебди: — Мабоодо Петербургда Қрилов бобони кўрсанг айтиб қўй, у ғирт лақма экан.



Эр-хотин ўғилчасини овқатлантириб ўлтиришган экан. Ўғилча шўрвадан чиққан суякни гажийтганини кўриб онаси уришибди:

— Нега суяк гажийсан?! Нима, сен итмисан?! Отангга бер.

ЎЛИМГА МАҲКУМ УЧ МАҲБУС

Яхудий, ўрис ва ўзбек маҳбуслари отувга ҳукм қилинбди.

— Қочамиз, — дебди яхудий.

У туйнук оғзиди темир панжарани арралаб, ташқарига чиқиб олибди. Изма-из ўрис ҳам чиқибди. Ўзбек эса пинак бузмай ўтираверибди.

— Сен чиқмайсанми? — дейишибди шериклари.

— Йўқ, — дебди ўзбек. — Сизларга қўшилиб қочсаму қўлга тушиб қолсам, мени партиядан ўчириб юборишади.

«КЎРҚАДИГАН АҲМОҚ ЙЎҚ»

Икки дўстнинг икки хил хотини бор экан. Бирининг хотини ўта лаббайғўй, «Ғаҳ! деганда қўлга қўнадиган бўлса, иккинчисининг хотини лаби-лабига тегмайди, эрини жиловлаб олган ҳокимайи мутлақ экан. У дўстидан сўрабди:

— Сен хотинингни қанақа қилиб

бўйсундириб олгансан?

— Осонгина, — дебди дўсти. — Янги уйланган вақтим эди. Бир кўл-бола ош қилайлик деб эр-хотин иккимиз сабзи-пиёз, гўшт тўғраб ўлтирган эдик, мушугим миёвлаб келаверди. Бир-икки жаз берсам ҳам тўймайди, келаверади. Жаҳлим чиқиб уни шартта биғиллатиб сўйиб ташладим. Хотинимнинг эси чиқиб кетди. Ушандан бери мендан кўрқади. Бир сўзимни икки қилмайди.

— Мен ҳам шунақа қилсаммикан?

— Майли, бир уриниб кўр.

Ҳокимайи мутлақнинг эри уйига бориб, кўлбола ош қиладиган бўлибди. Гўшт тўғраб ўтирганида мушуги миёвлаб келаверибди. Бир икки ҳайдабди, яна келаверибди. У ҳам дўстига ўхшаб мушукни шартта биғиллатиб сўйиб ташлаган экан, хотини қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

— Э, номард эр, — дебди у. — Кечикдингиз. Бу ишни чиллалик куёв вақтингизда қилишингиз керак эди. Энди битта эмас, мингта мушук сўйсангиз ҳам кўрқадиган аҳмоқ йўқ.

ХОТИННИ НИМА БИЛАН УРИШ КЕРАК?

Бир камбағал йигит бор экан. Рўзғордаги етишмовчилик, йўқчилик туфайли хотини билан тез-тез жанжаллашиб турар экан. Уша йигит чойхонада бир оқсоқол билан ҳамсухбат бўлиб қолганида, ўзининг ҳол-аҳволдан арз қилиб, маслаҳат сўрабди:

— Хотинимни қўл билан урдим, хивич билан урдим, қайиш билан урдим, барибир таваба қилмади, — дебди у. — Энди нима билан урсам экан?

— Сабр қил, — дебди оқсоқол. — Бир куни сен ҳам боийб кетасан. Ушанда пул билан урасан, чакаги тиниб, оғзи юмилади-қолади.



Муаллиф: Олим НОРҚУЛОВ

ТЕГИРМОН НАВБАТИ

Азиз Абдулмуҳаммад



„Бир ғуруҳ ўртоқлари“

Бизнинг ўртоқларимиз

Қуён туғилган кунда аввал дастурхон тузаб қўйиб, кейин ичимлик олгани борибди. Дўкандан ароқ олиб қайтаётса, йўлда меҳмонга қақирилган ҳайвонлар — Арслон, Айик, Бўри, Тулки учрабди. Қуёни табриклашибди-да, ўша ернинг ўзиде унинг соғлиги учун ичадиган бўлишибди. Тулки ароқни қўйиб, аввал Арслонга узатибди.

— Газагига нима еймиз? — сўрабди Арслон.

— Мана газак, — дебди Тулки Қуёни маҳкам ушлаб.

Унинг топқирлигига ҳаммаси тасано айтиб, ароқ ичиб, сўнг қуёни газак қилишибди.

— Яхши иш бўлмади, — дебди Арслон. — Энди айбимизни яширишимиз керак, токи ўрмондаги ҳайвонлар Қуёни биз емаганимизга ишонишсин. Бунинг учун «Ўрмон овози» газетасида Қуёнинг бевақт вафот этганлиги ҳақида таъзиянома берамиз. Мен айтиб тураман, сен ёз, — дебди у Тулкига.

Таъзиянома ёзиб тугатилгандан сўнг Арслон Тулкига буoirибди:

— Энди таъзияноманинг тагига ҳаммамизнинг номиимизни ёзиб қўй.

— Йўқ унақаси кетмайди, — дебди Тулки. — Унда айбимиз билиниб қолади. Ҳаммага маълумки, бизлар гўштхўр ҳайвонларимиз. Қуёни ўзлари еб, ўзлари таъзия билдиришган деб ўйлашади. Яхшиси «бир ғуруҳ ўртоқлари» деб ёзамиз.

Бу таклифга ҳаммалари қойил қолиб, Тулкига яна тасаннолар ўқишибди.

Бир юртда ғалати одат бор экан: икки қўшни қаттиқ уришиб қолишса, бир-бирининг меҳмонини ўлдириб ўч олишар экан. Бир куни меҳмон келган уйга меҳмоннинг қўшниси қўлида катта пичоқ билан кириб келибди.

— Мана энди ўчимни оладиган бўлидим, — дебди қўшни. — Ҳозир меҳмонингни сўяман.

Табиики, меҳмоннинг ранги қув ўчиб кетибди. Шунда меҳмон меҳмонга «тасалли» берибди:

— Асло ташвиш тортманг меҳмон, — дебди у. — Агар бу аблаҳ қўшниси менинг битта меҳмоним ўлдирса, мен унинг ўнта меҳмонини ўлдираман.

ХОТИНЛАРНИНГ ХОЗИЯТИ

Иттифоқо уч киши — бир америкалик, бир инглиз ва бир ўзбек ҳамсухбат бўлиб қолишибди. Ҳар бири ўз хотини ҳақида гапирибди.

— Менинг хотиним ўзимдан ўн беш ёш катта, — дебди америкалик.

— Нега? — сўрашибди ҳамсухбатлари.

— Чунки у миллионер, — дебди америкалик.

— Менинг хотиним ўзимдан йигирма ёш катта, — дебди инглиз.

— «Нега?» — деб сўрашибди яна ҳамсухбатлари.

— Чунки у миллиардер, — дебди инглиз.

— Менинг хотиним ўзимдан ўттиз ёш катта, — дебди ўзбек.

— Нега? — сўрашибди ҳамсухбатлари.

— Чунки у Ленинни кўрган...

ИККИ САВАРНИНГ СУХБАТИ

«— Янғиликдан хабаринг борми?

— Йўқ.

— Атом бомбаси ихтиро қилинбди.

— Нега бозорда кўринмайди?

— Бозорга ҳам чиқиб қолар. Лекин жуда қиммат дейишяпти. Бир донаси ярим миллион турар эмиш.

— Оҳ, қани энди биттаси менинг ҳовлимга тушса.